

**КАСАЛЛИК НОМЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЭПОНОМИК
АТАМАЛАР ХУСУСИДА**

Ахмаджон Хасанович Абдуллаев

мустақил тадқиқотчи

Андижон давлат тиббиёт институти

Андижон, Ўзбекистон

abdullaevahmadzon36@gmail.com

Аннотация: Мақолада тиббий атамалар орасида у ёки бу касалликни очган ёки даволаган мутахассис олим, ҳакимларнинг номлари билан боғлиқ эпонимик фраземалар таҳлил қилинади. Шунини таъкидлаш жоизки, эпонимик фраземалар баъзан мураккаб структура-таркибга эга бўлиб, уларда бирдан ортиқ, баъзида икки ва ундан ортиқ олимлар бир вақтнинг ўзида, бир-бирларидан беҳабар, у ёки бу касалликни очган ва даволаганлар. Шунинг учун уларни бир эпонимда тенг равишда акс эттириш зарурати вужудга келади.

Таянч сўзлар: эпонимик атама, синдром, бемор, тиббиётдаги автоэпонимик атамалар, касаллик номини ифодаловчи субстантив фраземалар, касаллик, хасталик.

**ОБ ЭПОНИМИЧЕСКИХ ТЕРМИНАХ, ПРЕДСТАВЛЯЮЩИХ
НАЗВАНИЯ БОЛЕЗНЕЙ**

Ахмаджон Хасанович Абдуллаев

независимый исследователь

Андижанский государственный медицинский институт

Андижан, Узбекистан

abdullaevahmadzon36@gmail.com

Аннотация: В статье анализируются эпонимические фраземы, связанные с именами врачей, ученых-специалистов, открывших или лечивших то или иное заболевание. Стоит отметить, что эпонимические фраземы иногда имеют сложную структуру, в котором несколько, иногда два или более ученых одновременно, ни о чем не зная друг о друге, открыли и вылечили ту или иную болезнь. Поэтому возникает необходимость отразить их в равной степени в одном эпониме.

Ключевые слова: эпонимическое название, синдром, болезнь, пациент автоэпонимические названия в медицине, субстантивные фраземы.

Хусусан, эпонимик фраземалар баъзан мураккаб структура-таркибга эга бўлиб, уларда бирдан ортиқ, баъзида икки ва ундан ортиқ олимлар бир вақтнинг ўзида, бир-бирларидан беҳабар, у ёки бу касаллик хусусида тўлиқ маълумотга эга бўлганлар. Шунинг учун уларни бир эпонимда тенг равишда акс эттириш зарурати вужудга келади. Масалан, Иценко-Кушинг касаллиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Ёки бошқа бир хасталикни олсак, айтайлик, Абт-Леттерер-Сиве касаллигини (хақиқий ретикулогистиоцитоз, рус тилида-истинный ретикулогистиоцитоз) деб юритилади. Бу касалликни илк бор Леттерер таърифлаб ёритиб берган, Сиве эса унинг батафсил клиник тавсифини берган, Абт эса уларнинг клиник тавсифини умумлаштирган. Шунингдек турк олими Хулучи Бехчет 1937 йилда бир касалликни очган, лекин ундан олдинроқ 1930 йилда ўша касалликни Бенедиктос Адамантиадес илмий ёритиб, уни асослаб берган эди. Шунга ўхшаган холда, Хайнц Клиnger Вегенергача ҳозирда “Вегенер гранулематози” деб юритиладиган касалликни очиб, уни атрофлича ёритиб берган.

Макито Такаяса ҳозирги кунда унинг номи билан юритиладиган “васкулит” касаллигининг турли туман васкуляр ўзгаришларини очиб, илмий ёритиб бераолмади, лекин барибир мазкур касаллик унинг номи билан аталганича қолиб келмоқда.

Шуниси ҳам эътиборга молики, баъзан турли мамлакатларда айрим касалликларнинг ўзига ҳос эпонимик хусусиятлари мавжуд. Масалан, катта хужайрали (вақти вақти билан хуруж қиладиган) артерит касаллиги Германияда “Хортон” касаллиги (рус тилида: болезнь Хортона, немисча - Morbus Horton) деб юритилса, Францияда “maladie de Horton” деб юритилади, вахоланки Америкада бундай номда касаллик умуман мавжуд эмас.

Бунинг устига “анклозир спондилоартрит” эпонимик атамаси Германияда “Бехтерев касаллиги” (инглиз тилида- “Bechterew’s disease”, рус тилида- “болезнь Бехтерева”) деб номланса, бошқа мамлакатларда уни “Мари-Штрюмпелл касаллиги” (немис тилида “Marie-Strümpell disease”) деб юритилади. Шундай қилиб, бир касалликнинг бир тилда бирдан ортиқ (вахоланки бир касалликнинг ўнга яқин номи бўлиши ҳам мумкин, бунинг устига уларнинг қисқартмалари ва халқ орасида ўзига ҳос истиоралашган (метафоризация жараёнидан ўтган) ёки метонимлашган (метонимизация жараёнидан ўтган) номлари ҳам мавжуд бўлиб, улар биргаликда маълум синонимик қаторларни ташкил этадилар. Яъни, бир нечта эпонимлар битта касалликни англатади (масалан, амилоид дегенерацияси Аберкромби касаллиги, Аберкромби синдроми ва Вирхов синдроми деб аталади).

Хусусан, синонимик қатор қанча кенг бўлса, унинг аъзолари сони ҳам шунчалик кўп бўлади, бундай ҳолат эса мазкур эпонимик фраземаларнинг бир тилдан иккинчи тилга транслитерация ва транскрипция оқали ўгирилишида бир қадар ноқулайликлар ва қийинчиликларни ҳам келтириб чиқариши табиий (Банти синдроми – syndromum Banti (лотин) = Adams-Stokes–Моргагни – syndromum Adams-Stokes-Morgagni (лат.). "Фитз-Хутх-Суртис синдроми" доктор Уилям Томпсон Фитз (1812-1896) ва унинг ҳамкасби доктор Самуел Александр Кертис (1813-1873) шарафига номланган. 1843 йилда улар томонидан тасвирланган синдром туберкулёздан келиб чиққан қорин бўшлиғи массаси эди.

Бундан ташқари, биз бир эпоним орқали икки хил-мутлақо бир-бирига алоқаси бўлмаган касаллик билан ифодаланиши мумкинлигини аниқладик. Масалан, де “Кервен касаллиги” деганда медицинада бир томондан “тендовагинит” касаллиги тушунилса, иккинчи томондан “қалконсимон беги вазифасининг бузилиши касаллиги “ ҳам тушунилади. Бундай ҳолат тиббий атамалар тизимида омонимлар ҳам мавжудлигидан далолат беради

Баъзи бир эпонимик атамаларда у ёки бу касаллик билан оғриган беморларнинг номлари ҳам ишлатилади, масалан, “Хелла хужайралари култураси” деганда, “шишган хужайраларнинг иммортал култураси” тушунилади, бу ерда Хелена Лейн бемордир, ёки “Диоген синдроми (касаллиги)” деганда, соҳа мутахассислари қарилик ёшида кишилардаги ниманингдир етишмовчилиги хасталиги тушунилади.

Шунингдек, Ибн Синонинг жарроҳлик соҳасини ривожлантиришдаги хизматлари ҳам юксак бўлиб, у ўзининг тиббий асарларида замонавий жарроҳликда қўлланиб келаётган айрим усулларни баён қилади. Жумладан, елка суягининг чиқишини оддий босиш билан даволаш усули ҳозиргача «Авиценна усули» деб аталади. Умуртқанинг қийшайишини Ибн Сино ўзи ихтиро қилган ёғоч мослама ёрдамида тузатган. Бу усулни 15-асрда француз табиби Кало қайта кашф этган.

Асаблар, қон томирлар, мушакларнинг тузилиши ва функциялари тўғрисида ёзганлари анатомиянинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатади. Бу эса амалий анатомиянинг асосчиси деб тан олинган рус олими Н. И. Пироговни Ибн Синонинг издоши дейишга асос беради. Бундан ташқари, унинг баъзи ташхис усуллари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, Перкуссия (аъзога уриш орқали диагноз қўйиш) усули, асцит ва метеоризмни фарқлашда қўлланган. Бу усул 600 йилдан кейин веналик табиб Леопольд Ауэнбруггер (1722—1809) томонидан қайта кашф қилиниб, яна 50 йилдан сўнг амалиётга кирган.

Ибн Сино турли касалликларнинг дифференциал диагностикасида ва гавданинг умумий ҳолатини аниқлашда томир уриши, сийдик ва нажасга қараб олинадиган белгиларга катта эътибор беради. Кейинчалик, Диабет касаллигида сийдикда қанд моддаси бўлишини 1775 йилда инглиз олими Добсон аниқлаган.

Шунингдек, тиббиётда автоэпонимик атамаларни ҳам кузатишимиз мумкин. Хусусан, “автоэпоним” қуйидагилар шарафига аталган тиббий ҳолатдир:

- ўзи тавсифлаган ёки аниқлаган касаллик натижасида зарар кўрган ёки вафот этган шифокор ёки бошқа соғлиқни сақлаш ходими;

- соғлиқни сақлаш мутахассиси бўлмаган бемор, аммо касалликдан азият чеккан ёки вафот этган шахс.

- Риккетсиоз: 1906 йилда Ховард Тейлор Рикетц Рокки Қояли тоғдаги безгак кўзгатувчи бактерияларни аниқлади. У 1909 йилда ўзига патоген укол қилди ва изланиш давомида Мехикода вафот этди.

- Каррион касаллиги (Падальская болезнь): Перулик тиббиёт талабаси Даниел Алсидес Каррион 1885 йилда “Ороя иситмаси”ни исботлаш учун ўзини *Bartonella bacilliformis* билан эмлади. У давлатнинг миллий қахрамонига айланди (ўлмай қолди).

Шунингдек, “провазек” микроорганизми 1915 йилда тифдан вафот этган Станислав Провазек шарафига номланган.

Бундан ташқари, беморлар номи билан аталган АЛС (амиотрофик латерал склероз) бўлган Лоу Гехриг касаллиги кўпчиликка маълум. Бу рождество касаллиги ёки гемофилия Б бемор номи билан аталган касалликка мисол бўла олади.

Таркибига кўра, эпонимик фраземалар икки ёки ундан ортиқ компонентли сўз бирикмалари бўлиб, уларнинг таркибига атоқли отлар билан бирга умумий маънога эга бўлган мавзуй (тематик) ва таркибий ядро (ўзак сўз) ҳам киради, бундай сўзларни одатда клиник атамалар билан касаллик, симптом, синдром,

синиш, чиқиш, операция, метод, усул, доғ, рефлекс ва бошқалар деб юритилади, лекин анатомик атамалар билан айтганда эса – канал, (тар)нов, йўл, бўшлиқ ва бошқалар қўлланилади. Масалан, Ромоданов суягига ишлов бериш усули, Бек операцияси, Беккер касаллиги, Ромоданов методи, Лассар пастаси, Кало учбурчаги, Здренко қўшилмаси (йиғилмаси) ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, тиббиёт атамалари тизимида кўрсатилган эпонимик атамалар гуруҳидан тавсифлаб берувчи атамалар гуруҳининг афзал кўрилишига қарамай, тиббиёт атамаларининг турли субсистема (кичик тизим)ларида қўлланиладилар, қандай бўлмасин, эпонимик атамалар тиббиёт атамалари тизимида дунёнинг антропоцентрик манзарасини акс эттирувчи, ифодаловчи бетакрор воситалари сифатида ўз таркибларига илму-фанга фидойи кишилар, олимлар, беморлар номларини олган бўлиб, соҳа бўйича инсоният учун сезиларли из қолдира олган мутахассис олим ва хакамлар ва беморларнинг номларини ўсиб келаётган ёш авлодларга ўрнатиб бўлиши учун абадийлаштиришнинг бирдан бир воситаси бўлиб хизмат қиладилар.

Шуниси эътиборга молики, тиббиёт атамалари тизимида асосан икки компонентли эпонимлар кўпчиликни ташкил қилади, лекин кўпкомпонентли эпонимик атамалар ҳам анчагина.

Бундай эпонимик воситалар маълум касалликлар устида кўпчилик олимлар иш олиб борганидан далолат беради. Эпонимлар тегишли ҳодисани эслаб, хотирада сақлаб қолишни осонлаштиради, чунки идрокий сатҳда рецепиент (қабул қилувчи) акс эттириляётган ёки ифодаланаётган тиббий воқеликни тўлиқ равишда инъикос этади.

Эпонимик атамаларнинг соҳа мутахассислари орасида қўлланилиши улар томонидан касалликни зудлик билан тушуниб етишни, тегишли билимларни бир шахсдан иккинчисига ўтишини, соҳа фани ривожланишининг асосий

босқичларини, бир тиббий ҳодисага бўлган фикр-мулоҳазалар ва қарашларнинг курашини, шунингдек инсон дунёқарашининг шаклланишини акс эттиради.

Д.С.Лоттенинг эпономик атамалар қўллашни чеклаш ҳақидаги таклифига қарамасдан, инсоният соғлиғини сақлашда катта, мислсиз хизмат кўрсатган олимларнинг номларини эпонимлар орқали ёш авлодга етказиш, уларнинг шахсиятини улуғлаш ҳолатлари фанда давом этмоқда. Бунинг сабаби бизнингча шуки, эпономик атама лўнда, мазмундор, тушунарли ва таъсирчан бўлиб, кишилар, айниқса соҳа мутахассисларининг хасталик билан боғлиқ тиббий воқеликни яхлит равишда аниқ ва равшан тасаввур қилишлари учун қулай имкониятлар ярата олади. Хусусан, эпонимлар қўлланиш учун қулай бўлиб, уларнинг ўрнига тавсифловчи атамалар қўлланса, у мутахассислар ишини ва фаолиятини мураккаблаштиради. Масалан, “Туретта синдроми” эпонимик атамаси ўрнига “ киши юз қисмининг тез-тез тортишиб туриши, бўйин ва елканинг қисилиши, тил ва лабларнинг мажбурий қимирлаши ва тез- тез йўталиб, тупуришга мойил бўлишлик хасталиги” каби узундан узоқ тавсифловчи атама қўлланса, атаманинг ифода планида аниқлик ва тушунарлилик даражаси анчагина пасайиб кетади, бу эса чиндан ҳам мутахассис ёки таржимон, хаттоки тингловчи ёки ўқувчининг фаолиятини ҳам мураккаблаштириб юборади. Лекин қандай бўлмасин, эпонимик атамалар, шу жумладан эпонимик фраземалар, тиббиёт атамалари орасида муҳим ўрин тутadi ва қулай восита сифатида қўлланишда давом этаверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хошимов Ғ.М., Абдуллаев А.Х., Касаллик номларини ифодаловчи эпотерминлар умумий назарияси хусусида// Actual problems of general and anthropocentric, digital linguistics, literary studies and methods of teaching. – Andijon, 2023- Б.549.

2. Блау М.Г. Судьба эпонимов: 300 историй происхождения названий. Словарь-справочник. 2010.
3. Варнавская Е. В. Статус и функционирование эпонимов в медицинской терминологии испанского языка : автореф. дис. ... канд. филол. наук / Воронеж.гос. ун-т. Воронеж, 2009.
4. Who Named It [Electronic resource] / Mode of access: <http://whonamedit.com>. - Date of access: April-May 2015.
5. Энциклопедический словарь медицинских терминов : в 3-х томах. - М.: Советская энциклопедия, 1984. - Т.1 : 464 с., Т.2: 448 с., Т.3: 512 с.
6. Горбач, И.Н. Эпонимический словарь в невропатологии / И.Н. Горбач, А.М. Гурленя. - Мн. : Выш. Школа, 1983. - 272 с.
7. Кондратьев, Д.К. Эпонимические термины в современной русской медицинской терминологии / Д.К. Кондратьев; Гродн. мед. ин-т. - Гродно, 1985. - 156 с. - Деп. В ИНИОН АН СССР 29.05.85, № 26933.